

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲИДДИНОВ АНВАРЖОН ҒОФИРОВИЧ

ТАФАККУР ВА ТИЛ КОГНИТИВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ
МАДАНИЯТ КОНТЕНТИНИ ВЕРБАЛ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ
НЕГИЗИ СИФАТИДА

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc)диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation(DSc)

Муҳиддинов Анваржон Гофирович

Тафаккур ва тил когнитив жараёнларининг уйғунлиги маданият контентини
вербал идентификациялаш негизи сифатида3

Муҳиддинов Анваржон Гофирович

Взаимосвязь когнитивных процессов мышления и языка как предпосылка
вербальной идентификации контента культуры.....26

Mukhiddinov Anvarjon Gofurovich

The relationship between cognitive processes of thinking and language as a
prerequisite for the verbal identification of cultural content49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.12.2019. Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУҲИДДИНОВ АНВАРЖОН ҒОФИРОВИЧ

ТАФАККУР ВА ТИЛ КОГНИТИВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ
МАДАНИЯТ КОНТЕНТИНИ ВЕРБАЛ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ
НЕГИЗИ СИФАТИДА

10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.3.
DSc\fil246 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.fdu.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.


Расмий оппонентлар: Набиева Д.А., филология фанлари доктори, профессор
Попова Т.И., филология фанлари доктори, профессор
Галиева М.Р., филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» декабрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373)244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (137 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz)

Диссертация автореферати 20 йил «3» декабрь куни тарқатилди.
(2019 йил «3» декабрь даги 34 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М. Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор

М.Т. Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди, доцент

А.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фанлараро туташувда пайдо бўлган янги йўналишлардан бири - когнитив тилшуносликда антропоцентрик ёндашув асосида тилнинг чуқур сатҳини тадқиқ этишга эътибор қаратилади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, тилнинг чуқур сатҳларини илмий жиҳатдан тавсифлаш учун ўтган асрнинг 50-60-йилларида алоҳида фанга айланган нейролингвистика соҳасидаги концепцияларга асосланиш тилшуносликнинг амалий асосларини тубдан ўзгаришига олиб келган.

Дунё тилшунослигида нейролингвистика соҳасида мия қобиғида жойлашган 49 та марказ, жумладан, нутқ актини бевосита таъминловчи Брока, Вернике, оптик марказ ва семантик таҳлил марказлари, мия қобиғининг оптик марказини семантик таҳлил маркази билан боғловчи вентрал йўл, тил гештальт пирамидасининг юқори қисмида жойлашган гностик нейроннинг нутқни англаш механизмлари фаолиятини юзага келтириши, миянинг ўнг ва чап ярим шарларининг нутқ актидаги иштироки, уларнинг усуворлиги масалаларига оид илмий концепциялар замонавий тилшуносликнинг назарий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида миллий тилимизни чуқур ўрганиш, барча соҳа мутахассислари учун хорижий тилларни мукамал ўзлаштириш, мазкур тилларни ўқитиш самарадорлигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган йирик тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги илмий изланишларни юритишда шунини назарда тутиш лозимки, «...олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан биридир»¹. Мамлакатимизда мустақиллик даврида тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш ва ҳар бир соҳада фундаментал тадқиқотлар олиб бориш жадаллашди, тилшуносликнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Табиий тилнинг реал борлиқнинг уч соҳасида (табиий борлиқ, онг борлиғи ва ижтимоий борлиқ) амал қилувчи қонунларга бўйсунуши, миянинг чуқур субстанциясида вербал ахборотнинг ДНК-кодлаштириш ва коммуникация инстинкти даражасида, неокортекста вербал тарзда, ижтимоий онг соҳасида ижтимоий маданий кодлаштириш механизмлари, тилнинг квазисемиотик тизим сифатида барча сунъий тиллар, жумладан, дастурлаш тилларини яратиш, сунъий интеллектни ривожлантириш, замонавий медиамакonda тилнинг экстраполяция тарзида ривожланиш жараёни, технологик сингулярлик даврида ҳам табиий тилнинг устуворлиги сақланиб қолиши каби масалаларни илмий нуқтаи назардан тавсифлашга оид вазифалар ёритилганлиги диссертациянинг зарурати ва долзарблиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси . //Халқ сўзи, 2018 йил 28 декабрь.

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995 сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271 сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Когнитив лингвистика бўйича Когнитив тилшунослик бўйича Халқаро ассоциация (ингл. International Cognitive Linguistics Association), Халқаро Прагматик ассоциация (The International Pragmatic(s) Association IprA), Массачусет университети (АҚШ), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (РФ), Oxford University (Англия), Institut Francais d’Etudes sur l’Fsie centrele, IFEAC (Франция), шунингдек, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Фарғона давлат университети) (Ўзбекистон)да илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида инсон онги, тафаккури ва тилнинг базис тушунчаларига оид масалалари бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: тил ва тафаккур дихотомиясини ўрганиш (Когнитив тилшунослик бўйича Халқаро ассоциация (ингл. International Cognitive Linguistics Association), тил жараёнларини соф лингвистик таҳлили (Москва давлат университети), тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги (Массачусет университети), тил, онг ва

² Rundblad, G 2017, Metaphor acquisition and use in individuals with neurodevelopmental disorders . in E Semino & Z Demjén (eds), Handbook of Metaphor and Language . pp. 486-502 .); Cohen H., Lefebvre C. Handbook of Categorization in Cognitive Science. Elsevier, 2005.; Нимейер, 2005. Немецкие исследования - https://ru.qaz.wiki/wiki/German_studie; Демьянков В.З. Когниция и понимание текста. // Вопросы когнитивной лингвистики. - М., 2005. № 3. С.5-10; Atlas of the World's Languages / R. E. Asher, Christopher Moseley. — Routledge, 2018; Lakoff G. Women, fire, and dangerous things: What categories reveal about the mind. Chicago: University of Chicago Press, 1987.; Fauconnier G., Turner M. The Origin of Language as a Product of the Evolution of Modern Cognition // Origin and evolution of languages: approaches, models, paradigms / B. Laks (ed.). L., 2008.; Langacker R. W. Assessing the cognitive linguistic enterprise // Th. Janssen, G. Redeker (eds). Cognitive Linguistics: Foundations, Scope, and Methodology. Berlin; New York: Mouton de Gruyter, 1999

тафаккурнинг биофизиологик, ментал-психологик ва ижтимоий-маданий механизмлари (Санкт-Петербург давлат университети), табиатшунослик ва семиотика (Москва давлат университети), тилнинг олий асаб тизими фаолияти, инсон миясининг биофизиологик механизмлари Oxford University (Англия), бирламчи табиий ва иккиламчи – ижтимоий-маданий белгилар тизими (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Фарғона давлат университети).

Дунё тилшунослигида инсон онги, тафаккури ва тилнинг базис тушунчаларига оид масалалари бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: тил ва тафаккур дихотомиясини ўрганиш, тил жараёнларини соф лингвистик таҳлили, тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги, тил, онг ва тафаккурнинг биофизиологик, ментал-психологик ва ижтимоий-маданий механизмлари, табиатшунослик ва семиотика, тилнинг олий асаб тизими фаолияти, инсон миясининг биофизиологик механизмлари, бирламчи табиий ва иккиламчи – ижтимоий-маданий белгилар тизими, нейробиология ва XX асрнинг 50-60 йилларида табиатшунослик ва тилшунослик туташувида пайдо бўлган нейролингвистика фанларининг фундаментал концепциялари, жумладан, тилнинг яшовчанлик даражасига оид маълумотлар (ингл. Degree of endangerment) «Дунёдаги йўқолиш хавфи мавжуд бўлган тиллар Атласи»ни (ингл. Atlas of the World's Languages in Danger) таҳлил қилинган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши масаласи тил фалсафаси ва тилшунослик тарихининг барча даврларида турли анъаналар билан боғланган ҳолда ўрганилган. Масаланининг бу аспекти таҳлил қилиш тарихий шаклланган таълимотларнинг ҳозирги замон когнитив тилшунослиги ва нейролингвистикада тил феноменини тадқиқ этишнинг ўзига хослиги, илмий ёндашувларнинг концептуал асосларини аниқлашга замин яратди. Жумладан, таниқли олимлар Э. Сепир ва Б. Уорфларнинг лисоний нисбийлик назарияси³ тил структураси ва тизимли семантика, тафаккур структураси ва билиш услуги ўртасидаги корреляцион алоқаларни аниқлаш назарий-метологик масалаларни изчил ёритишга ёрдам берди.

Когнитив тилшунослик фанини асослаган олимларнинг (Дж. Лакофф, Р. Ж. Фоконье, Р.Лангакер, Л.Талми ва бошқ.) фундаментал асарларида ёритилган, тил ва тафаккур дихотомиясини ўрганишда тилнинг асосий параметрларини кенгайтиришни кўзда тутувчи концепциялар катта аҳамиятга эга⁴. Когнитив тилшунослик тил жараёнларини соф лингвистик таҳлил усулини

³ Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии/ Пер. с англ. —М.: «Прогресс», 2002.-514 с.; Уорф Б. Л. Отношение норм поведения и мышления к языку.\\ «Зарубежная лингвистика. — М. , 1999. — С.58 – 92.

⁴ Lakoff G. Women, fire, and dangerous things: What categories reveal about the mind. Chicago: University of Chicago Press, 1987.; Fauconnier G., Turner M. The Origin of Language as a Product of the Evolution of Modern Cognition // Origin and evolution of languages: approaches, models, paradigms / B. Laks (ed.). L., 2008.;Langacker

талқин усули билан узвий боғлаган ҳолда ўрганишни кўзда тутди. XX асрнинг 80 - йилларида юз берган “хомскийлик инқилоби,” генератив грамматика концепцияси негизида аниқланган тамойилар⁵ тил феноменини замонавий илмий талқинини асослаш учун асос бўлди.

Тил, тафаккур ва онг борлигида юзага келувчи биофизиологик механизмларни⁶ ёритиш учун тилшуносликнинг тадқиқот доирасида олий нерв фаолияти, инсон миясининг биофизиологик механизмлари, бирламчи табиий ва иккиламчи - ижтимоий-маданий белгилар тизимининг юзага келиши ва амал қилишини атрофлича тадқиқ этишни тақозо этади. Масаланинг мазкур аспекти рационаллик тушунчасининг янги тавсифида ўз аксини топган. Ж.Лакофф и М. Джонсонларнинг фикрича, “ҳақиқий “рационаллик” назарияси – бу биз фрейм, метафора, нарративлар воситасида фикр юритишимиз; бизнинг миямиз эса ахборотни ўзига кириб келаётган ахборотни қайта ишлашга мойил эканлигида намоён бўлади. Мана шунинг ўзи танага хос рационаллик назариясидир (embodied rationality), бу тушунча ғайриилмий картезиан рационаллик назариясидан тубдан фарқ қилади”⁷. Ж.Лакофф биринчилардан бўлиб нейрофизиология ва нейролингвистиканинг фундаментал концепцияларига суяниш лозимлигига эътибор қаратган ва ўз тадқиқотларини шу йўналишда олиб борган⁸

Россиялик олимларнинг тилнинг чуқур сатҳлари, вербал ахборотнинг неокортексда (мия қобиғи) ва ижтимоий онг борлигида кодлаштириш механизмларига оид концепциялари диссертация доирасидаги масалаларни илмий тавсифлаш учун асос вазифасини ўтади (Н.Д. Арутюнова, А.Е. Кибрик, А.Н. Баранов, Н.Н. Болдирев, Е.С. Кубрякова, В.А. Маслова, В.М. Сергеева, Проскурина Е.Г., Е.Н.Соколов, П.В. Симонов, Д.О. Добровольский, З.Д. Попова, И.А. Стернин, В.И. Карасик, Сазонов В.Ф. ва бошқ.) Жумладан, Н.Ф.Алефиренконинг антропоцентризм тушунчаси, тилнинг кадрят ва маъноларни акс эттирувчи семантик майдонига оид фикрлари⁹, Е.Н.Соколовнинг онг, тафаккур ва тилнинг гештальт-пирамидаси ҳақидаги¹⁰, П.В. Симоновнинг когниция жараёнинг нейробиологик механизмлари

R. W. Assessing the cognitive linguistic enterprise // Th. Janssen, G. Redeker (eds). Cognitive Linguistics: Foundations, Scope, and Methodology. Berlin; New York: Mouton de Gruyter, 1999.

⁵ Хомский Н. Язык и мышление. —М.: Изд-во Московского университета, 1972. - 126 с.

⁶ Enard W., Przeworski M., Fisher S. E. e. a. . Molecular evolution of FOXP2, a gene involved in speech and language // Nature, 2002, 418 (6900). — P. 869—872

⁷ Lakoff, George, Johnson, Mark. Philosophy in the Flesh. The Embodied Mind and its Challenge to Western Thought. New York: Basic Books, 1999.

⁸ Lakoff G. Women, fire, and dangerous things: What categories reveal about the mind. Chicago: University of Chicago Press, 1987.

⁹ Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловые пространства языка. – М.: Флинта, 2010. – 288 с.

¹⁰ Соколов Е.Н. Проблема гештальта в нейробиологии // Журн. высш. нервн. де-ят. 1996. Т. 46. No 2. С. 229–240.

ҳақидаги¹¹, В.Ф.Сазоновнинг нейрон-детекторларининг функционал хусусиятларига оид ишлари¹² диссертация доирасидаги масалаларни ёритиш учун хизмат қилди.

Назарий ва амалий тилшунослик муаммоларига оид тадқиқотларнинг концептуал асослари Ўзбекистон ФА академиги Г.А. Абдурахмонов, профессорлар Н.М. Маҳмудов, А. Мамажонов, А.Нурмонов, Б.Ўринбоев, Р. Қўнғуров, Ж. Лапасов, Д. Худайберганова, Д.Э.Лутфуллаева ва уларнинг издошлари томонидан яратилган асарларда ўз аксини топган.¹³ Когнитив тилшунослик муаммолари Ш.Сафаровнинг асарларида атрофлича ёритилган.¹⁴ Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистикага оид илк қарашлар ўтган асрнинг охириги ўн йилликларида профессорлар А.Нурмонов ҳамда Н.Маҳмудовларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган ва янги йўналишнинг ривожланиш тенденцияларини белгилаган.¹⁵ Ҳозирги даврда бу йўналиш дирасига кирувчи муаммолар М.Ҳ.Ҳақимов томонидан атрофлича тадқиқ этилмоқда¹⁶. Бу йўналишда З.Тоҳиров, Д.Лутфуллаева, Д.Худойберганова, А.Пардаев, М.Қурбонова, С.Қурбонова, М.Газиёва, Н.Қазақовалар ҳам изланиш олиб бориб, янги йўналишнинг фундаментал асосларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.¹⁷

Юқорида кўрсатиб ўтилган фундаментал концепциялар ҳозирги замон тилшунослиги доирасидаги муаммолар, жумладан, ҳаёт воқелиги, маданият контентини тил воситасида акс эттириш механизмлари, вербал ахборотни

¹¹ Симонов П.В. Созидающий мозг: нейробиологические основы творчества. — М.,1993.

¹² Сазонов В.Ф. Нейроны-детекторы [Электронный ресурс] // Кинезиолог, 2009-2018: [сайт]. Дата обновления: 16.06.2018. URL: <http://kineziolog.su/content/neyrony-detektory>

¹³ Абдурахманов Г. Теория текста. \ \ Сб. докладов в тюркологической конференции. — Ташкент, 1989. С. 6-14.; Маҳмудов Н.М. Тилимизнинг тилла сандиғи. — Тошкент, 2011.; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. — Тошкент: Низомий номидаги Тошкент ДПИ нашриёти, 1989. — 66 б.

¹⁴ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. — Жиззах: “Сангзор”, 2006. — 92 б.

¹⁵ Нурмонов А. Қўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. — № 6. — Б. 42-46; Нурмонов А. Синтактик бирликларнинг прагматик томони. Танланган асарлар. III жилд. — Тошкент, Академнашр, 2012. — Б. 24; Нурмонов А. Маҳмудов Н. в.б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. — Тошкент: Фан, 1992. — 296 б.

¹⁶ Ҳақимов М. Ҳ. Прагмалингвистика асослари. — Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2020. — 478 б.

¹⁷ Тоҳиров З.Т. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. —Т., 1994. —29 б.; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол.фан.номзоди дисс. автореф. —Тошкент, 1997.—26 б.; Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри дисс... —Тошкент:ЎЗР ФА ТАИ, 2001.—283 б.; Ҳақимов М.Х. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. —Тошкент: Академнашр, 2013. —176 б.; Худайберганова Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри. дисс...— Тошкент: ЎЗРФА ТАИ, 2015. —240 б.; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: фил фанлар доктори (DSc) дисс... автореферати. — Тошкент, 2018. —32 б.; Қурбонова С. Бадий матнда шахс хусусиятларини ифодалаш: Фил.фан.бўйича фалсафа док.(PhD)дисс...автореф. —Фарғона, 2018. —21 б.; Газиёва М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори дисс... автореф. —Тошкент, 2018.—24 б.; Газиёва М. Просодика.—Тошкент: Akadempnashr, 2019. —176 б.; Қазақова Н. Ҳ.Фулом насрий асарларининг прагмалингвистик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа док.(PhD) дисс... автореф. — Фарғона, 2019. — 22 б.

тилнинг биопсихосоциал уч босқичли кодификация тизимида қабул қилиш, қайта ишлаш ва нутқ актида юзага чиқаришни таъминловчи механизмларини тадқиқ этиш учун асос вазифасини ўтайди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида ахборотлаштириш кўлами мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётган ҳозирги даврда когнитив тилшуносликда табиий тилнинг сунъий тиллар ва сунъий интеллект билан ўзаро боғланишига оид муаммоларга қизиқиш ортиб бормоқда. Тилни квазисемиотик тизим сифатидаги илмий таснифи сунъий тиллар, сунъий интеллектга оид тадқиқотларнинг илмий-методологик асосларини мустаҳкамлаш, янги ахборот технологияларини табиий тилнинг аналоги сифатида яратишга қаратилган инновацион фаолиятни изчил олиб боришга замин ҳозирлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тил ва тафаккурнинг когнитив механизмларини тилнинг уч босқичли тизимида шаклланиши ва маданият контентини идентификациялаш асоси сифатида воқе бўлиш жараёнини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тил ва тафаккур дихотомиясининг когнитив асосларига оид тасаввурлар ва таълимотларнинг генезиси, уларнинг яхлит концепцияларга айланиш жараёнини лингвистик қонуниятлар асосида тадқиқ этиш;

тилнинг табиат, онг ва жамият борлигининг қонунларига монанд бўлган биопсихосоциал мақоми билан белгиланган имманент хусусиятларини назарда тутган ҳолда вербал ахборотнинг кодификация тизимини тавсифлаш;

ҳаёт воқелигини когнитив бирликларда акс эттириш усули бўлган транзитивлик, вербал ахборотни биофизиологик, психологик ва ижтимоий-маданий даражаларда релевант қайта ишлашнинг мультиплексация механизмларини илмий нуқтаи назардан тавсифлаш;

тилнинг уч ўлчамли (моддий, энергетик ва информацион) генетик субстанцияси вербал ахборотни миянинг чуқур сатҳида ДНК-кодлаштириш, неокортексда (мия қобиғида) ментал – психологик тузилмаларга айлантириш, тил жамоасининг онг борлиғида ижтимоий-маданий кодлаштириш механизмларини шакллантириш ва уларни ҳаракатга келтиришда устувор эканлигини асослаш;

нутқ актида маданият контентини вербал кодлаштириш жараёнининг экспоненциал тарзда ўсиш механизмларни ёритиш, табиий тилнинг

квазисемиотик тизим сифатида ижтимоий – маданий, жумладан, сунъий тиллар ва сунъий ақли яратишнинг фундаментал асоси эканлигини исботлаш;

фанлараро тадқиқотларнинг интеграл муаммолари доирасида нутқ афазияларининг нейробиологик, ментал-психологик ва ижтимоий-маданий механизмларини тавсифлаш, болалар ва катта ёшли кишиларда нутқ нуқсонларини коррекция қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини тил ва тафаккур дихотомиясини фалсафий ва лингвистик йўналишлар доирасида тадқиқ этишга оид таълимотлар, уларнинг тарихий ривожланиши, тилнинг биопсихосоциал онтологик мақомга эга бўлган феномен сифатида воқе бўлиш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини тилнинг биофизиологик, ментал-психологик ва ижтимоий-маданий кодлаштириш тизимида ҳаёт воқелигини транзитив тарзда инъикос этиш, вербал ахборотни тилнинг уч босқичли биофизиологик, ментал-психологик ва ижтимоий – маданий соҳада ўзгартиришнинг мультиплексація механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тилшуносликнинг антропоцентрик парадигмаси ва тилнинг биопсихосоциал мақомидан келиб чиққан ҳолда фалсафий, умумилмий ва конкрет фан даражасида аниқланган экспланатар усуллар (категориялаштириш, концептлаштириш ва бошқ.) билан бир қаторда герменевтик талқин, компонент таҳлили, дистрибутив таҳлил, трансформацион таҳлил, нутқ афазияларини лаборатория диагностика натижалари асосида (компьютер томографияси, магнит-резонансли томография, МР – ангиография ва бошқ.) таҳлил қилиш усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тилнинг уч босқичли кодлаштириш тизимини унинг биопсихосоциал мақомини акс эттирувчи антропоцентрик парадигма асосида ўрганишни кўзда тутувчи нейролингвистик ёндашув асосланган;

тилнинг биопсихосоциал ҳодиса сифатида Ципф қонуни - таркорланиш (ранг) даражасининг n -кўрсаткичида акс этиши, Миллернинг қисқа муддатли хотира ҳажми 7 ± 2 элементга тенглиги қонуни каби табиат, мантиққа оид силлогизмнинг 256та модуси ва ижтимоий борлиққа хос ворисийлик ва янгиланиш, ижтимоий асос, илгарилама доиравий айланиш қонунлари негизида шаклланиши ва амал қилиши исботланган;

қобикости соҳада жойлашган генетик субстанциянинг уч ўлчамли моддий, энергетик ва информацион нейрон тузилмалари мия қобиғида (неокортексда) тил белгиларини ижтимоий онг соҳасида мавжуд лингвистик ва маданий кодларга мутаносиб равишда шакллантиришдаги устуворлиги далилланган;

нейролингвистика таълимотлари асосида вербал ахборотни биофизиологик, психологик ва ижтимоий-маданий даражаларда релевант

равишда қабул қилиш, қайта ишлаш ва нутқ актида алмашилишнинг узвий боғланиши, босқичлар ўртасидаги алоқалар мультиплексація тарзида кечишига оид фараз биринчи маротаба ўртага ташланган ва тасдиқланган;

когнитив тилшунослик ва нейролингвистика туташувида нутқ афазияларини ташхис қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг самарали усуллари, болалар ва катталарда мавжуд бўлган нутқ афазиялари бўйича тиббий атамалар луғатини тузиш, нутқ нуқсонларини ижтимоий коррекция қилишнинг логопедик усулларига қўйиладиган талаблар асосланган;

табiiй тилнинг квазисемиотик тизим сифатида сунъий тиллар ва сунъий ақлдан мутлақ устунликка эга экалиги, ҳар қандай энг мукамал ахборот технологиялари ва дастурлаш тиллари табiiй тилнинг негизида аналог сифатида яратилиши, ахборот тизимлари табiiй ақлдан мутлақ устуворликка эришиши кутилаётган технологик сингулярлик даврида (футурологик башоратларга кўра 2045 й.) ҳам сақланиб қолиши ҳақидаги фараз исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вербал ахборотни кодлаштириш тизими, тилнинг биопсихосоциал мақомига оид маълумотлар тил фалсафаси, лингвистикага оид фанларни ўқитиш сифатини ошириши асосланган;

ўтказилган тадқиқот натижалари тилшуносликнинг замонавий йўналишлари, жумладан, лингвокультурология, социоллингвистика, математик лингвистика, компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси, ареал лингвистикани ривожлантиришга хизмат қилиши исботланган;

фанлараро ёндашув асосида тилшунослик ва нейролингвистиканинг туташувида ишлаб чиқилган комплекс таҳлил қилиш методикаси нутқ патологияларини ташхис қилиш, нутқ афазияларини реабилитация қилишнинг самарали усуллари яратишга ёрдам бериши аниқланган;

тадқиқотнинг натижалари асосида сунъий тиллар ва сунъий интеллектни ривожлантириш, табiiй тилнинг аналоги сифатида яратилдиган янги дастурлаш тилларини тузиш, ахборот технологияларини яратиш, табiiй тилнинг квазисемиотик тизим сифатидаги имкониятларини ошириш учун хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий тилшуносликка хос бўлган ёндашув ва методларнинг қўлланганлиги, тилшуносликда амалга оширилган тадқиқотларга танқидий муносабат билдирилгани, тилшунослик ва нейролингвистика оид илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги, ўзбек, инглиз, ва рус тилларига оид янги фактологик материаллар олинганлиги амалий натижалар назарий хулосаларга мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижалари тилнинг

биопсихосоциал мақомини тадқиқ этиш масаласига ойдинлик киритиш, маданият контентини тилнинг уч басқичли тизимида кодлаштириш механизмларини биопсихосоциал ёндашув доирасида амалга ошириш йўллари, шунингдек, тилшуносликнинг категориал-тушунчавий аппаратини кенгайтириш, медиамаконда амал қилиши ва тараққий этиши билан боғлиқ тенденциялар, жумладан, маданият контентини экспоненциал ўсиш тарзида қамраб олиш жараёнларини назарий жиҳатдан ўрганиш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан университетларнинг бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида «Умумий тилшунослик», «Тил фалсафаси», «Когнитив тилшунослик», «Матн стилистикаси ва интерпретацияси», «Матн лингвистикаси», «Лингвомаданиятшунослик», «Математик лингвистика» фанлари, тиббиёт институтларида “Неврология асослари”, “Нейрохирургия” фанлари бўйича маърузалар, семинар машғулотларини ташкил этиш, магистрлик диссертацияларини тайёрлаш, дарслик ва қўлланмалар яратиш, икки ва уч тилли ўқув луғатларини тузиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг назарий хулосалари ва амалий натижалари асосида:

когнитив тилшунослик ва нейролингвистика туташувида нутқ афазияларини ташхис қилиш, даволаш ва реабилитация қилишнинг самарали усуллари, болалар ва катталарда мавжуд бўлган нутқ афазиялари бўйича тиббий атамалар луғатини тузиш, нутқ нуқсонларини ижтимоий коррекция қилишнинг логопедик усулларига қўйиладиган талабларни яратишга оид маълумотлардан 2017-2020 йилларда Давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалга оширилган ОТ–Ф1–100 “Имконияти чекланган болаларнинг ижтимоий-ижодий фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фарғона давлат университетидан 2021 йил 12 апрелдаги 01-1262-сон маълумотнома). Натижада тил дефектларини инобатга олган ҳолда, бундай нуқсонли болаларни реабилитация қилишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган ;

қобиқости соҳада жойлашган генетик субстанциянинг уч ўлчамли моддий, энергетик ва информацион нейрон тузилмалари мия қобиғида (неокортекста) тил белгиларини ижтимоий онг соҳасида мавжуд лингвистик ва маданий кодларга мутаносиб равишда шакллантиришдаги устуворлигига оид материаллардан А.С.Пушкин номли рус тили Давлат институтининг магистрантларига “Сиёсий лингвистика” фанини ўқитишда фойдаланилган (Россия Федерацияси А.С.Пушкин номли Давлат рус тили институтининг

2021 йил 20 майдаги С-3-1-сон маълумотномаси). Натижада фаннинг илмий-методологик савиясини оширишга эришилган;

табiiй тилнинг квазисемиотик тизим сифатида сунъий тиллар ва сунъий ақлдан мутлақ устунликка эга экалиги, ҳар қандай энг мукамал ахборот технологиялари ва дастурлаш тиллари табiiй тилнинг негизида аналог сифатида яратилиши оида маълумотлардан Санкт-Петербург Давлат университети магистрантларига “Рус тили хорижий тил сифатида” фанини ўқитишда фойдаланилган (Россия Федерацияси Санкт-Петербург давлат университетининг 2021 йил 17 майдаги маълумотномаси). Натижада магистрантларни тил назариясининг долзарб масалалари билан таништириш, уларнинг илмий-назарий тайёргарлик даражасини оширишга муваффақ бўлинган;

тилнинг уч босқичли кодлаштириш тизимини унинг биопсихосоциал мақомини акс эттирувчи антропоцентрик парадигма асосида ўрганишни кўзда тутувчи нейролингвистик ёндашувга оид маълумотлардан Қозон Федерал университети филология факультетидаги рус тили ва маданиятлараро коммуникациялар кафедрасининг ўқитувчилари томонидан магистрантлар учун машғулотлар ўтишда фойдаланилган (Қозон Федерал университетининг 2021 йил 30 сентябрдаги 2М 10.03-3009201\01-сон маълумотномаси). Натижада машғулотларнинг илмий-назарий савиясини оширишга эришилган;

тилнинг биопсихосоциал мақомини акс эттирувчи когнитив тилшунослик ва нейролингвистика туташувида тиббиётчилар билан илмий ҳамкорлик доирасида олинган маълумотлардан Республика тез ёрдам илмий Марказининг Фарғона филиалида фойдаланилган (Республика тез ёрдам илмий Марказининг Фарғона филиали 2021 йил 16 апрелдаги 01-08/219-сон маълумотномаси) Натижада нутқ-когнитив қобилиятини йўқотган беморларга ташхис қўйишда лаборатория маълумотлари билан бир қаторда тилнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезкор ташхис қўйиш ва даволаш чораларни қўллаш имкониятини оширишга эришилган;

Республика тез ёрдам илмий Марказининг Фарғона филиали ходимлари билан ҳамкорликда тайёрланган “Русча-ўзбекча когнитив – нутқ патологияларига оид тиббий атамаларнинг қисқача луғати” нашр қилинган (Фарғона давлат университети илмий кенгашининг 2021 йил 1 мартдаги 5-сон байённомаси). Натижада тиббиёт институти ўқув адабиётлар фонди янги қўлланма билан тўлдирилган;

икки ва уч тилли луғатлар, жумладан, “Замонавий фразеологик бирликларнинг инглизча-русча-ўзбекча луғати” (Фарғона давлат университети илмий кенгашининг 2020 йил 29 августдаги 1-сон баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг

DGU 09899-сон муаллифлик гувоҳномаси) Натижада университетларнинг ўқув адабиётлари фонди янги лексикографик нашр билан тўлдирилган;

янги типдаги “Инглизча-ўзбекча фреймлар луғати” (Фарғона давлат университети илмий кенгашининг 2021 йил 30 июндаги 9-сон йиғилиши байённомаси), “Англо-русский словарь фреймов” (Москва, “Де Либри” нашриёти, 2021) тузилган ва интернет сайтлари орқали фойдаланувчиларга тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 19 та илмий-назарий ва илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 7 та халқаро, 12 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40 та илмий иш нашр қилинган, жумладан, 7 та монография (якка муаллифлик асосида 3 та), 2 та ўқув қўлланма, илмий журналларда 12 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та, улардан 4 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова (глоссарий)дан иборат. Диссертация ҳажми 272 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тил ва тафаккур когнитив механизмларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида тил ва тафаккур дихотомик тушунчаларини фалсафий таълимотлар ва тилшунослик доирасида илмий жиҳатдан тадқиқ этишнинг концептуал асослари ҳақидаги масалалари ёритилган. Мазкур бобнинг «**Тил ва тафаккур тушунчаларини ҳозирги замон фалсафасида тавсиф этишнинг концептуал асослари**» деб номланган фаслида гносеология ва эпистемологияда (юн. ἐπιστήμη «илмий билим, фан», «ҳаққоний билим» + λόγος «сўз», «нутқ») вербал билимларнинг тузилиши, таркиби, амал қилиши ва ривожланиши масалалари

ёритилган. Неоклассик фалсафада гносеология «субъект-объект» муносабатларини, эпистемология эса «объект-билим» муносабатларини ўрганувчи фан сифатида талқин этилишини назарда тутган ҳолда тафаккурнинг тил воситасида маданият контентини акс эттириш когнитив механизмларининг тавсифлари берилган. Масаланинг фалсафий жиҳатини тавсифлашда немис файласуфи Э. Гуссерлнинг феноменология таълимотида киритилган “ноэзис” (ноэсис) (юн. νόησις — «тафаккур») тушунчаси (онгни кечинма сифатида ҳис этиш), бу кечинманинг реал мазмуни трансцедент воқелик билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқилади. Машхур файласуфнинг концепциясида ноэзиснинг алоҳида корреляти ва предметнинг моҳиятини акс эттирувчи шакли бўлган ноэма атамаси мантикдаги “тушунча”, тилдаги “сўз” бирлигига тенг эканлиги кўрсатиб ўтилган.¹⁸ Бу ўринда замонавий тилшуносликда тилнинг чексиз ноэтик майдони иборасининг киритилганлиги бежиз эмаслигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу иборанинг замирида тилда борлиқнинг барча шакллари – табиат, инсон, онг, жамият борлиғида воқе бўлувчи барча предмет ва ҳодисаларни вербал бирликларда акс эттириш салоҳиятининг мавжудлиги ҳақидаги фикр ётади.

Тилнинг ноёб хусусияти объектив воқеликка хос бўлган реал нарса ва ҳодисалар билан бир қаторда фақат иррационал тасаввур даражасида инъикос этилувчи ҳодисаларни ҳам ўзига хос бирликларда, жумладан, оксюморон (масалан, тирик мурда, қайноқ қор) мифологик тушунчалар (масалан, Химера, Цербер, Ҳумо куши) шаклида ифода қилишда намоён бўлади. Онг соҳасида “табиат” (юн., φύσις лот. natura) – борлиқдаги барча мавжуд нарса ва ҳодисларнинг йиғиндиси уларнинг моҳиятини англатувчи ноэзис шаклида инъикос этилади. Ўзига хос кечинма тарзида намоён бўлувчи бу кечинманинг ноэмалари “ер”, “сув”, “ҳаво” каби тириклик учун зарурий шароитларни англатувчи тушунчаларда, тилда эса алоҳида атамаларда акс этади. Гуссерлнинг фикрича, “онгнинг моҳияти интенционал актларга маъноларни мужассам қилишдир, онгнинг мавжуд бўлиши маъно касб этишдир.”¹⁹ Табиат, инсон ва жамият борлиғини инъикос этувчи тушунчалар мантиқ қоидалари асосида, уларни ифодаловчи сўзлар эса тилнинг лисоний-семантик ва структур хусусиятларини акс эттирувчи грамматика қоидаларига монанд равишда шаклланади. Тил тизимининг асосий қоидаларини мужассам қилувчи морфология сўзлар ва уларнинг таркибий қисмлари бўлган морфемаларнинг тузилиши қоидаларини, синтаксис эса сўзлардан жумла тузиш қоидаларини белгилайди. Тилнинг сегмент бирликлари – бўғин, морфема, сўз, синтагма, ва

¹⁸ Гуссерль Э. Логические исследования. Т. 2. — М.: ДИК, 2001. — С. 416.

¹⁹ Эдмунд Гуссерль. Избранные работы / Сост. В. А. Куренной. М.: Издательский дом «Территория будущего», 2005. (Серия «Университетская библиотека Александра Погорельского») — С. 42.

гап грамматик маъно билан бир қаторда мантиқ асосида фикрнинг маъносини ҳам ифода қилади.

Мазкур бобнинг «Тил ва тафаккур дихотомиясини когнитив тилшуносликда тадқиқ этишнинг ўзига хослиги» деб номланган фаслида мантиқий ва грамматик категориялар ўртасидаги боғланишларга оид муаммолар ёритилади. Масаланинг бу аспектини ўрганишда мантиқий ва грамматик категориялар ўртасидаги қуйидаги тафовутларга эътибор қаратилади:

1. Грамматик категорияларнинг (келишик, эгалик ва бошқ.) сони мантиқий категориялар (тушунча, ҳукм, хулоса) сонидан кўп бўлади.

2. Мантиқ категориялари турли тилларда деярли бир хил, тил категориялари эса (замон, сон, шахс ва бошқ.) ўзига хос бўлади (масалан, ҳинд-европа оиласига мансуб тилларга хос бўлган род категорияси туркий тилларда ифодаланмайди, араб тилида birlik ва kўplik билан бир қаторда иккилик категорияси mavжуддир).

3. Семантик жиҳатдан ўзаро турдош бўлган тил ва мантиқ категориялари мазмун нуқтаи назаридан турлича бўлади. Масалан, ўзбек тилида феълнинг 4 та асосий тури, яъни ноаник, давомли, перфект ва перфектли давомли замон турлари, уларнинг 50 та замон шакллари mavжуд, инглиз тилида эса ҳар бир замон турининг 4 тадан 16 та замон шаклини ажратиш мумкин.

4. Сўроқ гаплар ҳукми ифода қилмайди;

5. Мантиқ воқеликни ҳис-туйғулардан ажратилган ҳолда инъикос этади, тил эса уларни мужассамлаштирилган ҳолда акс эттиради (масалан, ундов сўзлар, модал сўзлар ва бошқ.).

Замон категориясини тадқиқ этиш ва унинг лингвокогнитив тавсифини бериш билан боғлиқ қийинчиликлар бу ҳодисанинг ўзига хослиги билан изоҳланади: вақтни кўриш, тинглаш, сезги органлари воситасида яхлит ҳолда инъикос этишнинг имкони йўқ, вақт мунтазам равишда ўтиб боради. Замон категорияси макон категорияси билан узвий боғланган ҳолда тавсифланади, зеро объектив бориқнинг давр билан боғлиқ ўзгаришлари макон билан узвий боғланган ҳолда идрок этилади. Тилнинг замон тушунчасини ифодаловчи воситалари мужассам ҳолда функционал-семантик майдонни (ФСМ) ташкил қилади ва семантик ва грамматик категорияларнинг лексик birlikлар билан мутаносиблигини акс эттиради. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, грамматик категориялар тилнинг яхлит тизим сифатидаги семантик майдонини мужассам ҳолда акс эттиради, лексик birlikлар эса ҳар бир сўзда мужассам қилинган жузъий маъноларни ифода қилади. Тилнинг семантик компонентга эга бўлган асосий birlikларини (концепт, концептуал метафора, фрейм, бленд) тавсифлашда когнитив тилшуносликнинг асосчиларидан бири Дж. Лакофф муомалага киритган идеаллаштирилган когнитив модель (ИКМ -

ингл. Idealized cognitive models) тушунчаси ва унинг 5та турининг таснифидан фойдаланилган.²⁰

Биринчи бобнинг «Тил ва тафаккур дихотомиясини фалсафа ва тилшуносликда тадқиқ этишининг тарихий босқичлари» деб номланган фаслда тилшуносликнинг гносеологик асослари, жумладан, тил ва тафаккурнинг когнитив бирликларига оид муаммоларга оид тадқиқотлар фалсафа ва тилшуносликнинг барча тарихий босқичларида амалга оширилганлиги, бу соҳадаги изланишлар қадимги даврларда юзага келган анъаналар билан узвий боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Арастуниинг "Категориялар", "Талқин қилиш ҳақида", «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», "Топика", «Софистик раддиялар» каби рисоалари жамланган «Органон» (қад.юн. Ὀργανον — қурол, усул) номли фалсафий асарида баён қилинган яхлит лисоний-мантиқий концепция тадқиқотнинг асосий постулатларидан бири сифатида баҳоланган.²¹ Афлотуннинг «Кратил, ёки исмларнинг ҳақиқийлиги ҳақида» деб номланган рисоласида тил ва тафаккурнинг муҳим хусусияти ҳақида фикр юритилиши, нарса ва унинг номи табиатга эмас, балки анъана ва шартномага асосланади²² деган фикри тилнинг когнитив бирликларини тавсифлашда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилган.

Когнитив лингвистикага оид муаммолар ечимини топишда Ўрта асрларда номларнинг табиати ҳақидаги масала юзасидан реалистлар (А.Кентерберийский) ва номиналистлар (П. Абеляр) ўртасидаги мунозаранинг натижалари инобатга олинган.

XIX асрда тарихий-қиёсий тилшуносликда феълларнинг флексияси ҳинд-европа оиласига мансуб тилларда ўзаро мутаносиблиги (Ф.Бопп), халқларнинг келиб чиқиши ва уларнинг генетик алоқаларини аниқлашда тилнинг алоҳида аҳамият касб этиши (Р.Раск) ҳақидаги ғоялар тадқиқотнинг концептуал асосларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлди.

В.фон Гумбольдтнинг таълимотида тилда халқнинг руҳи мужассам эканлиги ҳақидаги ғоя 20 асрда Ф.де Соссюрнинг таълимотида²³, XX аср структурализмида ўз ифодасини топганлиги тилнинг замонавий антропоцентрик парадигмасини асослаш учун хизмат қилган.

XX асрнинг охириги ўн йилликларида Н.Хомскийнинг жаҳон тилшунослари томонидан лингвистик фикр жабҳасидаги туб бурилиш деб эътироф этилган, математик моделлаштириш усулига асосланган генератив

²⁰ Lakoff G. Women, fire, and dangerous things: What categories reveal about the mind. Chicago: University of Chicago Press, 1987.

²¹ Аристотель. Сочинения. В 4 т. (Серия «Философское наследие»). Т. 2 (Органон). –М.: Мысль, 1978. –678 с.

Платон. Собр. соч. в 4-х томах. Том 1. — М.: "Мысль", 1990.-451.с.

²² Платон. Собр. соч. в 4-х томах. Том 1. — М.: "Мысль", 1990.-451.с.

²³ Соссюр де Фердинанд Труды по языкознанию.— М.:Прогресс,1977. —696 с.; Матезиус В.О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок: Сборник статей. — М.: Прогресс, 2017. — С. 239-245.

грамматикада категориал ва субкатегориал белгилар тизими тавсифланган. Ҳозирги даврда пайдо бўлган тилшуносликнинг янги тармоғи - квантитатив лингвистикада статистик методлар асосида тилнинг ўз-ўзини ташкил этиш хусусияти ўрганилади, шу боисдан бу ёндашув вербал кодлаштириш муаммосини ёритиш учун муҳим назарий асос деб қаралган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Билишнинг когнитив жараёнлари ва оламнинг лисоний манзараси диалектикаси”** деб номланиб, унда тил ва тафаккур когнитив механизмлари ёрдамида онг борлиғида юзага келадиган, кўлам жиҳатидан мисли кўрилмаган даражадаги семантик майдонни дунёнинг лисоний манзараси тарзида инъикос этиш салоҳияти, ҳаёт воқелигини илмий манзарасини идрок ва талқин этишда тилнинг ўрни ва роли ҳақидаги масалалар тавсифланган. Мазкур бобнинг **“Ахборотни вербал кодлаштириш мультимодал тизимининг генетик ва ижтимоий асослари”** номли фаслида биринчи маротаба тилнинг генетик субстанцияси ва ижтимоий онг борлиғида транзитив (мия субстанциясининг воқеликни тилнинг семантик майдонида акс эттириш, когнитив бирликлар ўтасида парадигматик муносабатлар ва синтагматик алоқаларнинг ўрнатилиши) кодлаштириш механизмлари, миянинг чуқур қатламларида, онг соҳасида ва тил жамоасининг ижтимоий онг борлиғида шаклланишини таъминловчи мультиплексація механизмларининг тавсифига оид масалалар ёритилган.

Инсон миясининг қобикости соҳасида жойлашган субстанция мия қобиғида мантиқ ва қадриятлар тизимини аск эттирувчи ижтимоий тил белгилар тизимини ўрнатиш ва уни бошқариш лаёқатига эга бўладими деган ўринли саволга жавоб беришда Дж. фон Нейманнинг **“Ўз-ўзини ташкил этувчи автоматлар назарияси”** номли китобида асосланган концепцияга мурожаат қилинади. Бу назарий фикр 1994 йилда Л. Эдлман томонидан ўтказилган экспериментларда ДНК субстратлари якка тадбиркорнинг мижозларга товар етказиб беришда босиб ўтадиган йўлининг оптимал маршрутини суперкомпьютерлардан ҳам аниқроқ қилиб тузганлиги мисолида ўз исботини топганлиги кўрсатиб ўтилади.²⁴ Бундай илмий маълумотларга суянган ҳолда генетик субстратларнинг ўта ноёб лаёқатга эга эканлиги, миянинг қобик остидаги чуқур субстанцияси неокортекста (қобикда) тил ва тафаккурнинг ўта мураккаб нейрон тузилмаларини ўрнатиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш салоҳиятига эга эканлиги ҳақида хулоса чиқарилган. Масаланинг бу аспекти ёритишда лингвистик ва нейролингвистик концепциялар ўртасидаги мутаносиблик ва тафовутлар, тилнинг уч босқичли тизимида ахборотни қайта ишлашнинг барча шакллари ҳақида фикрлар баён этилган.

²⁴ Neumann John von 1966. Theory of Self-Reproducing Automata, Burks, A. W., ed., University of Illinois Press. ISBN 0-598-37798; Adleman L.M., Computing with DNA, Scientific American, August 1998, p. 34-41

Тилнинг уч босқичида вербал кодлаштириш механизмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилиш жараёнининг модели ишлаб чиқилган. Ушбу модель ва унинг механизмлари қуйидаги чизмада тасвирланган: (1-расм)




Когниция жараёнида коммуникатив компетенциянинг тил ва онг, нутқ ва тафаккур, сўз ва образ, вербал ва невербал белги компонентлари ёнма-ён жойлашиб, бир-бирига ўтиб туриши тавсифланган.

Тил белгиси вазифасини ўтовчи нейрон тузилмаларини ўрнатиш ва уларни ҳаракатга келтириш жараёни неокортексда миёнинг чуқур қатламида жойлашган, биомолекуляр даражада ахборот алмашишнинг генетик кодлаштириш тизими ва инсоннинг тана субстанциясидан ташқарида мавжуд бўлган ижтимоий-маданий нутқ бирликларининг психикага кириб келишидан бошланади. Бундай жараён неокортексда тилнинг икки планли тузилмасини юзага келтиради ва болаларга хос эгоцентрик (аутенетик) нутқнинг ижтимоий – маданий нутққа айланишига олиб келади. Мазкур жараён миёнинг пўстости соҳасида жойлашган генетик субстанция томонидан онгнинг иштирокисиз амалга оширилади.

Замонавий позитрон-эмиссион томография (ПЭТ) қурилмаларини қўллаган ҳолда ўтказилган экспериментал тадқиқотлар мия қобиғида нутқ марказларининг жойлашиши, уларнинг ўзавро боғлиқлиги, ҳаракатга келтирувчи биофизиологик ва психологик механизмлари масаласига аниқлик киритиш учун асос бўлган.

Қуйидаги чизмада неокортекста нутқ мазмуни ва нутқ ифодаси планининг схематик модели, бу тузилмани ташкил этувчи таркибий компонентлар ўртасидаги алоқаларни таъминловчи механизмлар тасвирланган: (2 - расм)



Тил белгиларини ўрнатиш жараёни ўта улкан салоҳиятга эга бўлган генетик субстанция ва лисоний кодлаштириш салоҳиятига эга бўлган жонли нутқнинг туташувида амалга ошади. Миянинг қобиқ ости соҳаси қобиқдаги тил белгиларини нейрон тузилмаси сифатида ўрнатиш ва бошқаришда устунликка эга бўлади, ижтимоий- маданий салоҳият эса нейрон тузилмаларининг тил бирликларига айлантириш орқали онгли нутқ актини ташкил этишда устуворликка эга бўлади.

Тилнинг уч босқичли тузилмасида ижтимоий-маданий вербал кодлаштириш механизмлари, лингвистик кодлар, маданият кодлари ва ахборот маконида кодлаштириш тизими ўзига хос модель шаклида бўлади. Бу модель қуйидаги чизмада акс эттирилган (3-расм).

**Вербал ахборот алмашинувининг ижтимоий - маданий муҳитда
экспоненциал тарзда ўсиши ўсиши**



Табиий тил ва тафаккурда янги ғоянинг пайдо бўлиши, англаб етилиши ва тилга кўчирилишини таъминловчи ғоят ноёб лаёқатлар - инсайт и эмерджентлилик нейрон тизимининг гештальт-пирамидасида янгиликни қайд этувчи нейрон - детекторларнинг фаолиятига боғлиқ эканлиги илмий фактлар асосида тавсиф қилинган.²⁵

Маданият контенти кодлари бу соҳанинг ҳар бир тизимида ўзига хос тарзда шаклланади ва амал қилади, айти бир вақтда барча тизимларнинг когнитив тузилмалари вербал асосга эга бўлган ҳолда шаклланади ва амал қилади. Бундай имманент хусусият тиббий маданият контентида яққол намоён бўлади²⁶. Қуйидаги диаграммада ана шундай ўзаро боғлиқлик ифодаланган(4-расм)




²⁵ Са...
обн...
²⁶ М...

**Тиббий-
маънавий
кадриятлар**

Электронный ресурс:
ineziolog.su/conte
т философии. –Тош

**Назарий ва
эмпирик
билимлар**

3: [сайт]. Дата
–152 б.



Иккинчи бобнинг “Дунёнинг лисоний манзараси шаклланиши шининг фалсафий концепциялари» деб номланган фаслда файласуф ва тилшунос Л. Вайсгербер томонидан киритилган ва XX асрнинг биринчи ярмида Л. Витгенштейн²⁷ томонидан яхлит концепция тарзида асосланган дунёнинг лисоний манзараси (ДЛМ) атамасининг тавсифи берилган. Л.Витгенштейн тафаккурни мантикий манзараларни моделлаштиришга тенглаштирилиши мумкинлиги, зеро манзара ўзи акс эттираётган вазиятнинг эҳтимоллигини мужассам қилишини айтиб ўтган. Дунёнинг илмий ва лисоний манзаралари объектив борлиқнинг турли жабҳаларини акс эттирувчи ўзига хос семантик майдонларнинг йиғиндисидан иборат бўлади. Ҳозирги замон кишисининг онг борлиғида ДЛМ воқеликнинг илмий манзараси билан чамбарчас боғланган бўлади. ДЛМ ибораси икки хил талқин қилинади: 1) Тил воситасида акс этувчи олам манзараси (бу маънода “оламнинг содда манзараси” ибораси ҳам қўлланади) ва воқеликнинг илмий манзараси ўртасида тафовут мавжудлиги эътироф этилади. 2) Ҳар бир этник тил ўзга тиллардан бошқача тарзда тасвирланадиган манзарани “чизиб” бериши назарда тутилади.

